



**Маҳаллада
ҳаёт мактабини танитадиган
марказлар керак**

4-с.

**Ҳар бир амалимизга
ҳалимлик хислати
ҳамоҳанг**

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил
13 ДЕКАБРЬ,
ШАНБА**

Mahalla

**№100
(2324)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!



••••• ХАЛҚАРО АНЖУМАН

МАРКАЗИЙ ОСИЁ

МАҲАЛЛАЛАРИ ФОРУМИ:

ФИКРЛАР, ТАКЛИФЛАР, ТАВСИЯЛАР ВА ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Пойтахтимизда “Марказий Осиёда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг биринчи форуми” бўлиб ўтди.

Форум Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Қирғизистон Тараққиёт ислохотлари институти ташаббуси билан Буюк Британия ва Швейцария ҳукуматлари дастурлари кўмагида ташкил этилди.
Анжуман Марказий Осиё мамлакатларида

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш амалиётини умумлаштириш, доимий мулоқот платформасини шакллантириш, интеграцияни кучайтириш, инвестициялар жалб этиш ва барқарор ривожланиш тизимларини такомиллаштиришни назарда тутди. Ўзбекистонда шаклланган “маҳалла еттилиги” тизимининг илғор тажрибасини кенг оммалаштириш мақсад қилинган.

Давоми 2-саҳифада.

••••• БИР ЎЛКАКИ...

ҲАР БИР ХОНАДОН ҲОЛИДАН ХАБАРДОР БЎЛМОҚЛИК АНЪАНАГА АЙЛАНГАН

Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қари билганини пари билмас” каби ҳикматли иборалар мавжуд. Бу нақллар ҳаётимизда ўз исботини топган. Аслида, бутун умр давомида меҳнат қилиб, фарзандларини тарбиялаб, Ватаним деб яшаётган ҳар бир инсон кексайган кунда ҳурмат-иззат кўришга ва эъзозланишга муносиб ва лойиқдир.

Президентимиз қайси вилоятга ташриф буюрса, энг аввало, ҳудуднинг нуроний оқсоқоллари билан учрашади, улар билан дилдан суҳбатлашади, таклиф ва фикрларини эшитади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, йиллар давомида дуч келган синовларда тобланган, яхши-ёмоннинг фарқи борадиган нуронийлар жамиятининг ишончли таянчи ва устунларидир. Халқимиз уларга ишонади, насихатига қулоқ тутди.

Давоми 2-саҳифада.



Икромхон НАЖМИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзоси,
“Нуроний” жамғармаси
Наманган вилояти бўлими бошлиғи.

••••• УЮШМА КЎМАГИДА

МАҲАЛЛА — РАҚАМЛИ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ БЎҒИНИ

Рақамлаштириш ҳаётимизга шу қадар сингиб кетдики, давлат хизматларидан фойдаланиш, кредит олиш, ташкилотларга мурожаат қилиш, маҳсулот буюртма бериш ва бошқа кўплаб ишларни уйдан чиқмасдан амалга оширяпмиз. Энди бу тизим маҳаллаларда ҳам кенг қўлланилади.



Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан маҳалла фаолиятига оид барча йўналишларни ўзини жамлаган ягона тизим — “Рақамли маҳалла” платформаси жорий этилди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Эзгу амалларга элтадиган халқчил ташаббуслар бор

Саккизта маҳалла биноси, ҳудудда жойлашган спорт майдони, нуронийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият маркази қурилиб, мавжудлари мукамал таъмирланди.

6-с.

Ютуқларимиз — шукроналикдан, ҳар неъмат қадрини англаганликдан

90-йилларни яхши хотирлайман. Гарчи мактабда ўқитувчилик қилсам-да, бўш вақтларимда маҳалла юмушларига кўмаклашиб юрардим. Нон харид қилиш учун соатлаб навбат кутишлар, киши бошига ҳисоблаб ёғ беришлар кўпчилиكنинг ёдидадир.

7-с.

••••• ҚУЛАЙЛИК

300 та маҳаллада куёш станцияси қурилади

Ўзбекистонда 2026 йилда Хитой тажрибаси асосида 300 та маҳалла ҳудудида аҳоли билан кооперация орқали 107 мегаваттлик куёш станциялари ўрнатилади. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги объектлар ва лойиҳаларни ишга тушириш маросимида маълум қилди.



Маҳаллаларда аҳоли билан кооперация орқали куёш станциялари ўрнатиш бўйича ижтимоий лойиҳа кенг жорий этилиши натижасида 30 мингта камбағал оилага “яшил” энергия кириб боради. Улар ўз эҳтиёжидан ортиқча электр энергиясини тармоққа узатиб, даромад топади.

Элатиш керак, “Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қароридан ҳам аҳолиси ижтимоий оғир 300 та маҳаллада кичик қувватли фотозлектр станциялар ўрнатилиши белгиланганди.

Тадбиркорлар сув ресурсларидан унумли фойдаланиб, жорий йил 40 мегаваттлик кичик ва микро ГЭСлар курди. Натижада 120 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Кейинги йилда 65 мегаваттлик кичик ва микро ГЭСлар барпо этилади. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 80 мингта хонадонда электр таъминоти тубдан яхшиланади.

Тошкент вилоятидаги “оғир” ва “қизил” тоифага кирувчи 300 та маҳаллада ҳам кичик куёш фотозлектр станциялари қурилади. Лойиҳанинг дастлабки босқичида Оққўрғон туманидаги “Ёшлик”, “Зарбдор” ва “Эртан-ғали” маҳаллаларида кооперация асосида қуввати 180 киловатт-соатдан 500 киловатт-соатгача бўлган куёш фотозлектр станциялари қурилиши режалаштирилган.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko‘zgusi” журналига 2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗИМИЗ!


**ШОШИЛНИ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР ЭТИШ
ҚИЙИН...**

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 11-12 декабрь кунлари амалий ташриф билан Туркменистон Республикасида бўлди.



Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН мамлакатимизга келди.



Давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашиш, комплаенс назоратини такомиллаштириш ва рақамлаштириш бўйича ТАҚДИМОТ БИЛАН ТАНИШДИ.

••••• БИР ЎЛКАКИ...

ХАР БИР ХОНАДОН ҲОЛИДАН ХАБАРДОР БЎЛМОҚЛИК АНЪАНАГА АЙЛАНГАН



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бугун нурунийларимиз ижтимоий ҳаётда фаол. Қайси бири ёшлар кўлидан етаклаб, уларни ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашаётган бўлса, яна бошқаси томорқаларда камбағал оила аъзоларига ер илмини, боғбонлик, деҳқончилик сирларини ўргатмоқда. Бошқа бири камбағал оилалар вакилларининг ҳаётини яхшилаш учун иш олиб бораётган бўлса, яна қимдир оилалардаги нотинч муҳитни соғломлаштиришга уринапти.



Айниқса, маҳаллаларда кексаларнинг ўз ўрни, айтар сўзи ва сўзининг салмоғи бор. Масаланинг маънавий-маърифий жиҳатига эътибор қаратилган бўлса, барча ижтимоий муносабатлар кесишадиган чорраҳа — айнан маҳалладир.

Шу маънода тажрибали нурунийлар, зиёлиларнинг маҳалла ҳаётидаги фаол иштирокини даврнинг ўзи тақозо этапти. Бу борада камбағал оилалар билан чикаришда отахон ва онахонларнинг хизматлари беқийс.

Аслида, инсон ҳар доим муносиб яшашига, фаровон турмуш кечиришига, бировдан кам бўлмашига интилса, шу мақсадда изланишдан тўхтамас, камбағаллик ҳолатига тушиб қолмайди. Зеро, бу вазиятдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил — **инсоннинг интилишидир.** Шу маънода биз, нурунийлар, энг аввало, одамларни боқимандалик кайфиятидан

чиқиб кетишига кўмак бераймиз. Бу тоифадаги шахсларнинг дунёқараши, фикрини ўзгартириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш зарурати бор.

Камбағалликни қисқартиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар таҳлил қилинса, булар орасида барчамизнинг кўз ўнгимизда кенг омалашаётган, халқимизнинг азалий урф-одатларига ёт бўлган дабдабозлик, исрофгарчилик, кимўзарга тўй-маъракалар ўтказиш, ҳашаматли иморатлар солиш каби ларни келтириб ўтиш ўринли. Демак, нурунийлар, зиёлилар, маҳалла фаоллари бундай “ҳавасманд”ларни тўғри йўлга бошлаши зарур.

Оилалар тотувлигини таъминлашда ҳам кекса нурунийлар етакчи! Бугун улар “маҳалла еттилиги” билан биргаликда ҳар бир оиллага кириб, уларнинг холидан хабар оляпти. Тез-тез учрашувлар ўтказиб борилади. Шу сабабли вилоятда оилавий ажралишлар ва мождорлар сонни кескин камайган.

Наманганда **“1+10” тамойили** асосида 2 243 нафар фаол нурунийга 22 минг 430 нафар муаммолари ва иш билан банд бўлмаган ёшлар бириктирилган. Рўйхатдаги йигит-қизларнинг қизиқишини назарда тутган ҳолда, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ўқиш ва ишга йўналтиришга эришяпмиз.

Яна бир муҳим ташаббус — **“Наманган тажрибаси”** ўларок, мактабдан бошлаб, корхона ва ташкилотларда **Нурунийлар маслаҳат маркази** ташкил этилди. Ташаббус асосида ҳар ойда махсус кунлар белгиланган. Масалан, ойнинг биринчи жумаси “Меҳр-оқибат кунини” сифатида кексалар ва ёшлар ўртасидаги алоқа янада мустаҳкамланяпти.

Умуман олганда, оқсоқолларнинг вазифаси ҳеч қачон ўзгармайди. Кексаларнинг ҳаётини ўғитлари ҳар қайси ишга барака қўшади. Улар ёшлар таълим-тарбияси, оилалар тотувлиги, жамиятдаги иллатларга қарши курашда доимо олдинги сафлардадир. Президентимизга камарбаста бўлиб, юртимиз ривожини, мамлакатимиз тараққиётини, жамиятимиз осудалигини йўлида фаолликдан чарчамаймиз!

МАҲАЛЛА — РАҚАМЛИ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ БЎҒИНИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Фозилбек ЖАҲОНГИРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Марказий аппарати бўлим бошлиғи.

Шу вақтгача “маҳалла еттилиги” вакиллари 20 дан ортик турли платформалардан фойдаланган бўлса, энди уларнинг барчаси “Рақамли маҳалла” платформасига интеграция қилинди. Қолаверса, фуқаролар маълумотлари, улардан тушаётган мурожаатлар ва аҳолига курсатилаётган хизматлар ҳам ушбу платформада акс этапти.

Мазкур тизим айни пайтда барча маҳаллаларда ҳаётда татбиқ этилди. Натижада, энг аввало, **ортиқча қоғозбозликнинг олди олинди.** Бу орқали маҳаллада юриштилаётган ҳисоботлар ва ҳужжатлар тўлиқ рақамлаштирилди.



Давомат модули орқали FaceID ёрдамида рўйхатдан ўтказиш, локацияни аниқлаш имконияти яратилди. Ходимларнинг ишга келиш-кейтиш, табель ҳужжатларини юритиш ва иш ҳақи ҳисоблашнинг шифофоллиги таъминланди.

“Маҳалла баланси” маълумотлари асосида йилдаги аҳоли ва объектлар тўғрисида аниқ статистика шаклланди. Бу жараёнда барча маҳаллалар, 160 мингга яқин кўча, 7,4 миллионга хонадон, қарийб 10 миллионга оила, 38 милли-



“Муҳтож оиллага субсидия бериш” модули ишга туширилди. Айни тизим орқали “еттилик” қарори асосида 671 нафар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга 120 миллион сўмгача бўлган жами 84 миллиард 213 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

ондан зиёд аҳоли, маҳалладаги боғча, мактаб, оилавий поликлиника, шифохоналарнинг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Ягона саволнома” модули орқали аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш тизим яратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларга 4,7 миллионга мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 89 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этилган.

Маҳаллаларда “Миграция баланси” шакллантирилди. Бу орқали чет давлатларда кам даромад топаётганларни қайтариш, кетиш истагидиларни касбга ва тилга ўқитиш, хориждан қайтганларнинг ҳолатини назорат қилиш тизими ишга туширилди. Маълумот учун, 164 минг нафар хорижга кетиш истагида бўлган, 907 минг нафар хорижга кетган, 355 минг нафар хориждан қайтган фуқаро билан мулоқот қилинди.

Маҳаллалар кесимида барча маълумотларни шакллантириш, йиғинларни ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажралиш ва камбағалликдан холи худудга айлантириш бўйича тажрибалар алмашиш имконияти яратилди. “Маҳалла бюджети” да шаклланди маблағлар йўналтирилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

“Ижтимоий маҳалла” модули орқали “еттилик” ва аҳоли аниқлаган муаммолар масъул ташкилотларга йўналтирилмоқда. **“Ижтимоий шартнома” модулида** ижтимоий кўмақдан фойдаланиб, мажбуриятини бажармаган фуқароларнинг реестри яратилмоқда. Маҳалла раисининг “еттилик”ни KPI асосида баҳолаш тизими яратилди.

Умуман олганда, мазкур тизим орқали маълумотлар тизимли шакллантирилади, шифофоллик кучаяди, фуқаролар учун қулайликлар яратилади. Энди маҳалла нафақат аънавий қадриятларни асраш маскани, балки рақамли бошқарувнинг замонавий бўғинига айланади.

••••• ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Марказий Осиё маҳаллалари форуми: фикрлар, таклифлар, тавсиялар ва тажриба майдони

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Форумнинг биринчи кунини пойтахтимиздаги “Wyndham Tashkent” меҳмонхонасида ташкил этилди. Унда Буюк Британия ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчилари, Марказий Осиё мамлакатлари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари масъуллари, давлат идоралари, фуқаролик жамияти вакиллари, тахлилий марказлар, академик жамоат ва халқаро ташкилотлар аъзолари иштирок этди. Анжуманнинг расмий қисми 4 та шўбадан иборат бўлди.

Биринчи шўба Марказий Осиёда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг замонавий тенденцияларига бағишланди.

Жараёнда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Шарқий Европа тажрибалари асосида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг замонавий тенденциялари кўриб чиқилди. Соҳанинг ўзига хос хусусиятлари, бугунги ҳолати ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди. Экспертлар ҳар бир давлатнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қаратди. Ўзаро ҳамкорликда узвий алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.



— Анжуман Марказий Осиё давлатлари ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибалари билан бир жойда танишиш имконини берди, — дейди **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Жаводотхон Иноғомов.** — Унда Ўзбекистонда шаклланди маҳалла тизимининг тарихи, бугунги ва келажакда оид фикрларимизни билдирдик. Янги Ўзбекистон шароитида маҳаллалар чинакам халқ институтини, халқларвар сиёсатининг муҳим бўғинига айланганини аниқ мисоллар билан очиб бердик. “Маҳалла еттилиги” тизими, йиғинларнинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлаши тажрибалари кўпчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Иккинчи шўбада Муниципалитетлар иттифоқлари ва уюшмаларнинг роли, минтақавий интеграцияга қаратилди.

Муҳокамаларда Латвия, Қирғизистон ва Тараққиёт ислохотлари институти тажрибаларига асосланиб, муниципалитетлар иттифоқлари ва ассоциацияларининг мамлакат ривожланиши ва минтақавий интеграциядаги аҳамияти ҳақида сўз борди.

— Форумда қатнашганимдан мамнунман, бу ерда ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси билан қандайдиган танишдик, — дейди **Қирғизистон Республикаси Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иттифоқи директори Бектурган Оразбаев.** — Ўз навбатида йиғилганларга айни йўналишда Қирғизистонда шаклланди тажрибалар ҳақида сўзлаб бердим. Хусусан, маҳаллий ўзини ўзини бошқарува доир ҳуқуқининг амалда давлат билан мулоқот тизимида айланганини таҳлил қилдик. Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ижрокчилигида манфаатларини ифодалайди, парламентнинг назорат функциясида, бюджет жараёнида иштирок этади, ижро этувчи ҳокимлик билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатади. Форум доирасида минтақа давлатлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олдик.

Учинчи шўбада Административ-ҳудудий ислохотлар ва молиявий децентрализация масалалари ўрганилди.

Йиғилишда Қирғизистон, Буюк Британия, Ўзбекистон, Латвия, Қозоғистон, Тожикистон ва Шарқий Европа тажрибалари асосида административ-ҳудудий ислохот, ҳудудий оптимизациянинг имкониятлари ва муаммолари кўриб чиқилди.

Тўртинчи шўбада Инвестицион иқлим: маҳаллий даражада инвестиция жалб қилиш ва қашшоқликни камайитиришга қаратилди.

Муҳокамалар жараёнида Ўзбекистон, Буюк Британия, Швейцария, Қирғизистон, Қозоғистон ва Шарқий Европа тажрибалари асосида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг инвестициялар жалб қилишдаги роли ҳамда инвестицион иқлимни яхшилаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибалар ўрганилди.

Муҳокамалар якунида тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, минтақавий ҳамкорликни тизимлаштириш мақсадида янги платформа — **Марказий Осиё ўзини ўзи бошқариш органлари** Кенгаши ташкил этилди.

Форумнинг иккинчи кунини иштирокчилар пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги “Кўкча-Оқтепа” маҳалласига амалий саёҳат қилишди.



Умуман олганда, мазкур форум амалий натижаларга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Анжуман самарали ва мазмунли фикрларга бой ўтди, амалий таклифлар ўртага ташланиб, ўзаро тажриба алмашиш имконини берди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақавий нуфузи ва маҳаллий бошқарув соҳасидаги етакчилигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.



АХБОРОТ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР соҳаларида давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.



“КЕЛАЖАК” МАРКАЗЛАРИДА ЎҚИГАНЛИК учун ота-оналар бадали тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланди.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА АСОСАН, уй-жой, автомобиль олди-сотдиси, коммунал тўловлар фақатгина банк карталари орқали амалга оширилади.

“Камбағалликдан фаровонлик сари”: 4,7 миллион киши камбағалликдан халос бўлди

XXI асрнинг асосий синовларидан бири, бу – инсон учун муносиб ҳаёт шaroитини таъминлаш, турмуш даражасини барқарор равишда ошириш ва энг муҳими, камбағалликка буткул барҳам беришдир. Ўзбекистонда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури билан мазкур муаммони маҳаллий ечимлар орқали бартараф этишда мустаҳкам пойдевор яратилди.

Рустам ЮСУПОВ.

“Камбағалликдан фаровонлик сари”, бу – шунчаки ижтимоий дастур ёки статистик кўрсаткичлар йиғиндиси эмас. Бу – инсон қадрини юксалтириш, унга муносиб ҳаёт тарзини яратиш, одамларнинг тақдирини бефарқ бўлмаган давлат концепциясининг амалий ифодасидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу дастурнинг марказида инсон ва унинг қадри туради.

Албатта, қисқа муддатда амалий натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Изчил ислохотлар туфайли 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, жорий йил якунида мамлакатимизда камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 6 фоизга тушиши ку-

тилмоқда. Бу борада жамиятнинг энг куйи бўғинига тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими ўзини ҳар томонлама оқлади. Кишлоқ аҳолисини даромадли қилишда одамларга 30-50 сотихдан ер ажратиш амалиёти муҳим қadam бўлди. Бунинг натижасида 800 минг одамнинг даромади ошди. Муҳими, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадли қилишда ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибаси яратилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” тамойили асосида ҳеч ким эътибордан четда қолаётгани йўқ. Маҳаллаларда уйма-уй юриб, фуқароларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўриляпти. Бу жараёнда камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шарoит яратилляпти.



Мисол учун, “маҳалла еттилиги” кўмагида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4,7 миллион нафар аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилиниб, 2 090 та (23 фоиз) маҳалла ишсизликдан, ижтимоий шартнома асосида кўмак чораларини кўрсатиш орқали 302 мингта оила камбағалликдан чиқарилиб, 1 435 та (16 фоиз) маҳалла камбағалликдан хали худудга айлантирилди.

Одамларни “камбағаллик гирдобидан” чиқариш учун уларнинг билимини ошириш зарур. Шу боис сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд аҳоли замонавий касбларга ўргатилиб, улар юқори даромадли ишларга жойлаштирилди. Эндилкида ҳар бир камбағал оилада камида бир нафар олий маълумотли йигит ёки қиз бўлиши учун имтиёз-

ли таълим кредити ва давлат грантлари кўпайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ижтимоий ёрдам тизими қайта кўриб чиқилиб, унда бюрократия эмас, инсон манфаати устуворликка чиқарилди. Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходим фаолият юритиб, эҳтиёжмандларга “проактив” ёндашмоқда.

Бу жараёнда 2,7 миллион нафар фуқаро ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди. Камбағал оилалардаги парварошга муҳтож кишилар учун хизматлар йўлга қўйилиб, 50 минг нафар меҳнатга лаёқатли фуқаро меҳнат бозорига қайта киритилди.

Маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан хали худудларга айлантириш, аҳоли

бандлигини таъминлашда бундан кейин ҳам давлатнинг устувор вазифаси бўлиб қолади. Ҳар бир камбағал оила бўйича унинг аниқ имкониятлари ва хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, индивидуал режалар ишлаб чиқилади. Лойиҳавий ёндашув доирасида “Бандлик органлари – иш берувчилар ҳамкори”, “Тенг имкон – инклюзив бандлик”, “Барқарор келажак сари”, “20 та маҳаллий бренд”, “Бир контур – бир маҳсулот”, “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш”, “Ижара ер ва томорқада сув таъминотини яхшилаш”, “Эски боларни янгилаш”, “1 минг гектар мевали боғ”, “Экспортчи кооперативлар” каби дастурлар билан 1 миллион нафар камбағал аҳоли қамраб олинади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлашга қаратилган тажрибалар оилаларни даромадли меҳнатга жалб этишти, маҳаллаларни ишсизлик, камбағалликдан хали худудларга айлантирди. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасида ўз аксини топляпти.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АСАКА ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Халқнинг ҳаётидан рози яшаш — энг олий саодат

МАНЗАРА

Кичик лойиҳалар — катта мақсадларга қанот дегани

Дилшод Латифжонов суяги новвойчиликда қотганлардан. Аввалига ҳавасдан бошланган юмуш эндиликда яхшигина даромад манбаига айланган. Турмуш ўртоғи билан бирга кўлиқлига тегмай меҳнат қиляпти. Олдинлари кунига бир қоп ундан нон пишириб сотган бўлса, ҳозир кўрсаткични икки қопга етказган.

Қодиржон АРАБОВ, Асака туманидаги “Истиклол” маҳалласи раиси.

Оила вакиллари-нинг бу натижага кўтарилишида маҳалла тавсияси билан берилган 10 миллион сўм кредитнинг аҳамияти катта бўлди. Новвой маблаг эвазига замонавий ускуналар харид қилгач, унмодорлик янада ортди. Худудимиздаги кичик бозорча ҳамда турли савдо дўконларига топширадиган ширмой нонларнинг харидорлари ҳамisha бисёр.

2 340 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда бундай тадбиркорларимиз кўпга топилди. Айниқса, тикувчилик ҳамда косибчилик йил сайин ривожланыпти. Тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эса зиммамиздаги асосий вазифага айланган. Биргина жорий йилнинг ўзига “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси асосида 15 кишига, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида 20 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилди. Шу орқали умумий ҳисобда 60 кишининг доимий бандлигини таъминлашга эришдик.



Нуриддин Акбаров узоқ йиллардан буён китоб савдоси билан шуғулланиб келаётган эди. У энди йўналишини биров ўзгартирган ҳолда ёшлар учун компьютер савдохонлиги ҳамда робототехника ўқув курсларини ташкил этди.

Бу марказда айна вақтда 8 нафар ўқитувчи 50-60 нафар ўғил-қизга замонавий йўналишда таълим берапти. “Еттилик” ходимлари эса дарсларга ўқувчиларни жалб қилишда кўмаклашяпти. Лойиҳа фақатгина бизнинг маҳалламизда эмас, Шаҳрихон, Марҳамат ҳамда Андижон туманларида ҳам муваффақиятли фаолият олиб борапти. Шу кунларда маҳалламиздаги 12 гектар майдонда “Кўк сарой” тураржой мажмуасининг қурилиш ишлари жадал олиб бориляпти. Лойиҳага кўра, 21 та 16 қаватли ҳамда 1 та 22 қаватли уйлар 3 800 та хонадондан иборат бўлади. Келажақда бу ерда турли хил савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилади. Қувонарлиси, қурилиш йўналиши бўйича янги иш ўринларининг очилиши фуқаролар бандлигини таъминлашга замин яратади.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, улар учун қулай шарт-шaroит яратиш бугун маҳалла тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг ҳаётий мақсадига айланган. Бу йўлда давлат яратиб бераётган ислохотлардан унумли фойдаланган ҳолда тизимли тадбирлар олиб бориляпти.

Иброҳимжон ЖўРАБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Асака тумани бўлими бошлиғи.

Туманимизда ҳам шу мақсадда жорий йилнинг ўзига “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида маҳаллалардаги 98 км. ички кўчалар тўлиқ асфальтланди, 1 200 та симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. 22 та янги трансформатор ўрнатилди. Аҳоли томорқасини суғориш ва сувни тежаш мақсадида 24 км.дан ортиқ ариқлар бетонлаштирилди. Шунингдек, 5 та янги сув кудуғи барпо этилди, 16 таси қайта таъмирланиб, 27 км. янги сув тармоғи тортилди. Натижада 25 мингдан ортиқ хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Худудимиздаги оғир худуд сифатида танлаб олинган “Мустаҳкам” маҳалласининг маркази қайтадан шахарсозлик андозалари

асосида барпо этиляпти. Тадбиркорлик объектлари қайта таъмирланди ва майдонлари тўлиқ асфальтланди. Иккита маҳаллага хизмат кўрсатувчи оилавий поликлиника қайта таъмирдан чиқарилди. Ишлаб чиқариш кўламини ошириш ҳисобига 30 та янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллаларни обodonлаштириш ва кўкаламзорлаштириш йўлида 110 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Оғир деб топилган худудларнинг 1 000 дан зиёд хонадонлари ҳомийлар кўмагида таъмирлаб берилиб, яшаш шарoитлари яхшиланди. Туманининг барча маҳалларида “Хавфсиз кўча” ва “Хавфсиз йўлак”лар ташкил этилиб, 2 000 дона камера ўрнатилди. Натижада 33 та маҳалла жиноятчиликдан хали худудга айлантирилди.

“Камбағал оилалар реестри”га киритилган 12 та оилага маҳалла жамғармаси маблағлари ҳисобидан куёш панеллари



қўйиб берилди. Ижтимоий ҳиммага муҳтож бўлган 20 оилага фермер хўжаликлари етиштирган мўл-кўл ҳосиллардан 21 тонна бугдой маҳсулотлари тарқатилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 300 нафарига куз-қиш мавсуми учун туман хокимлиги бепул кўмир ва озик-овқат маҳсулотлари

етказиб берди. “Барака”, Беруний, Амир Темур номидаги маҳаллалардаги кўп қаватли турар-жойлар барпо этилиши билан бир қаторда “Файз” маҳалласида қад ростлаётган “Саодат шаҳри” лойиҳаси ҳам бир маромда хитойлик инвесторлар кўмагида қуриб битказилмоқда.

Янгидан-янги лойиҳаларнинг амалга ошириляётгани худуд ривожига тенгсиз аҳамият касб этади. Бу халқнинг ҳаётидан рози бўлиши, қулай муҳитда умргузаронлик қилишига замин яратади. Шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда янгилик қилишдан тўхтамаймиз.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“МАНАЛЛА” БИЛАН КЎНГИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПИШ ОСОН



Юлдузхон БЕРДИҚУЛОВА, Асака туманидаги “Қайрағоч” маҳалласи раиси:

— Ҳар бир инсоннинг ҳурмат ва эътиборга молик жиҳатлари бор. Буни англаш учун унга яқин бўлиш, қалбига қўлоқ тутиш зарур. Айниқса, маҳалла ходимлари худудни ривожлантириш, турли муаммоларга ечим топилган бу

имкониятдан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Эҳтимол, уйда ишсиз ўтирган кишининг ўзи ҳам англамаган иқтидори бордир. Озгина туртки орқали уни юзага чиқариш мумкин. Худудимиздаги 7 835 нафар фуқаро билан ишлаш жараёнида уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашяпти. Ёшлар, хотин-қизлар ва кекса ёшдаги аҳоли вакилларига эҳтиёждан

келиб чиққан ҳолда керакли хизматлар кўрсатиляпти. Бу борада “Mahalla” газетасига қайта ва қайта мурожаат қиламиз. Унинг саҳифаларида эълон қилинётган тизим ходимларининг муваффақият сирлари кўнгилларга йўл топишни янада осонлаштиряпти. Шундай тенгсиз ва қийматли ҳамкоримизга келгуси йил учун ҳам обуна бўлидик.



Барча савдо ва хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан электрон тўловларни қабул қилиш учун ЯГОНА QR КОД жорий қилинади.



2026 йил 1 мартдан Навоий ва Чирчиқ шаҳарларида аҳолининг ДАРОМАДЛАР ДЕКЛАРАЦИЯСини тақдим этиши тажриба-синов тарикасида йўлга қўйилади.



2026 йил 1 июлдан босқичма-босқич тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширувлар БОДИ-КАМЕРАДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА амалга оширилади.

ТОШКЕНТ
ШАҲРИ
УЧТЕПА
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Қалбдан қилинган хизмат кимгадир умид, ишонч, дардига малҳам бўлади

КЎЗГУ

МАҲАЛЛАДА ҲАЁТ МАКТАБИНИ
ТАНИТАДИГАН МАРКАЗЛАР КЕРАК

Шукрки, маҳалламизда илми, заковатли, юрт ташвишига бефарқ бўлмайдиган инсонлар кўп. Кимдир давлат ишларида ҳалол меҳнат қилса, кимдир тадбиркорлик билан шуғулланиб, оиласига барака киритяпти. Хонадонларимиз тинч.



Алишер ТҲУХТАЛИЕВ, Учтепа туманидаги "Ибрат" маҳалласи раиси.

Лекин гуруч кўрмакис бўлмагани каби, баъзи уйлардаги нотинчликлар биз учун ҳам оғриқли. Энг катта ташвишим — бу ажралишлар. Бир уйда икки ёшнинг аҳил яшаб, фарзанд тарбия қилиб, бир-бирининг суяничи бўлиб яшаши, бу — баҳо бериб бўлмайдиган фазилат. Шунинг учун бирор оилга дарз кетса, аввало, ўша болаларни, кейин икки ёшнинг тақдирини ўйлаб қийналанам. Ажралишларнинг сабабларини ўргансақ, кўп ҳолларда оддий вазиятлар катта муаммага айланиб қолганини кўраемиз. Баъзан учинчи шахснинг аралашуви, айрим уйлардаги иқтисодий қийинчиликлар, оила бошининг ишсизлиги боис низолар авж олади. Ёшлар орасида масъулиятни тўлиқ ҳис қилмаганлар ҳам учрайди.

Мисол учун, бир оилада арзимаган гапдан икки фарзанднинг ота-онаси ажралиш арафасига келиб қолган. Муаммонинг илдизи эса қайнона билан келин орасидаги "деди-деди"лар ва ўз вақтида ечилмаган тортишувлар бўлиб, бу ҳолат эр-хотин муносабатига салбий таъсир қилмай қолмаган. Оқир-оқибат уларнинг ораси совиб, ажралишгача бориб етди. Буни эшитган пайтим гураим безовта бўлди. Аммо бундай вазиятда бефарқ қолмадик — имом-хатиб ва ҳожи оналаримиз билан бирга уларни суҳбатга чақирдик. Меҳр билан, одоб билан айтилган маъноли гаплар дилларга етиб борди. Тўғри айтишадди: меҳр билан айтилган бир оғиз сўз ҳам инсонни тўғри йўлга бошлар экан.

Юртда, маҳаллада тинчлик бўлиши учун, аввало, хонадоннинг ўзида тинчлик бўлиши керак. Шу боис ҳар бир можароли уйга бориб, куёвнинг бурчи, келиннинг масъулияти, ўзаро ҳурматнинг аҳамиятини ҳаётимисоллар билан тушунтирамиз.

Авваллари келин уйига қайтиб борса, онаси: "Сабр қил, болам. Эракнинг ҳам қамчилиги бўлади, оилани сақлаб қолиш — аввало оқл ва сабр талаб қилади", деб насиҳат қиларди. Бугун эса бу каби ҳаётимисол, ота-онанинг қалбдан чиқадиган ибратли гаплари қаммайиб бораётгани учун кўп масалалар кескинлашиб кетмоқда.

Бунинг устига айрим йигитларнинг қўлида касб ёки хунар йўқ. Оила боши бўлиш учун инсон, аввало, моддий барқарорликни таъминлаши, фарзандларининг келажаги ҳақида ўйлаши керак. Шунинг учун йигитларни ҳам, қизларни ҳам оилага тайёрлаш — бугунги кун талаби.

Фикримча, маҳаллаларда ёшларни ҳаётга тайёрлайдиган, миллий қадриятларимизни ўргатадиган, ҳаёт мактабини танитадиган ўқув марказлари ташкил этилса, жуда яхши бўлар эди. Бувижонларимизнинг дуоиси, боболаримизнинг ҳаётимисоллари, бу — энг катта тарбия манбаи. Агар ҳар бир келин-куёв, эр-хотин "Оила — муқаддас, уни асраш — бурчим" деб яшаса, бугунги кун ҳам, эртанги келажаги ҳам нурли бўлади.

Маҳаллага бўлган бугунги эътиборни фақат қарор ёки ҳисоботларда эмас, балки ҳаётнинг ўзида — ҳар бир кўчада, ҳар бир хонадонда ҳис қилиш мумкин. Маҳалла дегани, фақат бир бино ёки расмий идора эмас, бу — одамларнинг кундалик ташвиши, қувончи, умиди ва дарди жам бўладиган маскандир.

Лазиз ЮСУПОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Учтепа тумани бўлими бошлиғи.

“Маҳалла еттилиги” вакиллари бундан тўғри англаган ҳолда, бажараётган ишларини рақамлар учун эмас, балки ҳар бир оиланинг уйи ёруғ бўлиши, ҳар бир инсоннинг эртанги кунига ишончи ортиши учун амалга оширяпти. Маҳалла раислари сайлови жараёнида уларнинг бу жиҳатини аҳоли қўллаб-қувватлади. 261 нафар номзоддан 60 нафари саралаб олинди. Улардан 23 нафари илк бор бу масъулиятни лавозимда иш бошлади.

Сўнги ойларида маҳаллалардаги курилиш ва ободонлаштириш ишлари алоҳида кўзга ташланмоқда. 11 та маҳаллада янги марказлар бунёд этилмоқда, бу нафақат "еттилик"ка, балки ҳар бир оилга қулайликлар яратади. "Маҳалла сервис компанияси"нинг фаолияти эса оддий инсонларнинг кундалик эҳтиёжларига жиддий енгилликлар олиб келмоқда.



Ўтган давр мобайнида маҳаллаларда жиноятлар 5,5 фоизга камайди, қотиллик, ўғирлик, талончилик ва безорилик каби салбий ҳолатлар кескин пасайди. Шундай бўлса-да, йиғинларда профилактика тадбирлари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари янада қучайтирилди, ҳар бир хонадоннинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун масъулиятли ёндашув давом этапти.



Бундай амал, маҳалла ҳаётидаги кичик, лекин муҳим қадамлар инсонларга ишонч, умид ва қувонч бағишлайди. Ҳар бир тоза йўл, ҳар бир нуруний маскани, ҳар бир бола учун қулай ҳолатлар, бу — биз олдимишга қўйган мақсадлар натижасидир.

Тумандаги ҳар бир оила ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланапти. Оилавий тадбиркорлик дастурлари, микро-ўйлашлар, меҳнат ярмакчалари орқали минглаб юртдошларимизнинг бандлиги таъминланди.

Фақатгина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 2 097 та микролойиха амалга оширилиб, 4 357 та янги иш ўрни яратилди. Бу рақамлар туманда ҳаёт қайнаётганини, инсонлар ўз хонадонини фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қилаётганини аниқлатади. Хориждан қайтган 1 600 нафардан ортиқ фуқаронинг 600 нафардан зиёди ишга жойлаштирилди. Қолганлари касб ўрганишти, маълум бир йўналишларга йўналтирилмоқда, зарур ёрдамлар кўрсатилляпти.

Халқимиз билан елкадош, мақсадимиз билан ягона бўлиб, ҳар бир хонадонга барокат, ҳар бир кўчага тартиб, ҳар бир инсон юрагига умид киритишда давом этамиз. Бунинг учун бизга барча имкониятлар яратилган, зарур ваколатлар берилган. Ишни тўғри йўлга қўйсақ, бас.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“МАҲАЛЛА” — ЯНГИ ҒОЯ, ЯНГИ ФИКР УЙҒОТАДИ



Алишер ЁҚУБОВ, Учтепа туманидаги “Қор ёғди” маҳалласи раиси:

— “Mahalla” газетасини мутолаа қилганимда одамларнинг ҳақиқий фикри, муаммолари ва орзуларини ҳис қиламан. Мақолалар менга маҳалламиздаги муаммоларни кўриш, аҳолининг фикр ва тақлифларини тўғри баҳолаш имконини беради. Бу эса қарор қабул қилишда ва янги

лоийҳаларни йўлга қўйишда муҳим йўналишдир. Шахсий жиҳатдан мутолаа ҳаётимнинг бир қисмидир. Хусусан, китоблар, даврий нашрлар ва, албатта, “Mahalla” газетаси — меннинг кундалик руҳий қувватим. У менга янги ғоялар улашади, янги фикрларни ўргатади. Шу орқали мен нафақат ўз ишмининг самарали олиб бораман, балки маҳалла аҳли билан мулоқотда янада ишончли ва очик бўла оламан.

НИГОҲ

Бир ширин сўз битказар, минг кўнгилинг ярасин!

Маҳалламизга Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳи ташриф буюрди. “Еттилик” фаолияти, йиғинда йўлга қўйилган тажрибалар, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий профилактикани самарали йўлга қўйиш борасидаги ишларимизни юқори баҳолашди. Бундан, албатта, мамнун бўлдик, шу билан бирга, елкамиздаги масъулият нақадар юксак эканини яна бир қарра англадик.

Зиёдулла ХЎЖАҚУЛОВ, Деҳқонobod туманидаги “Завқий” маҳалласи раиси.

Аслида, маҳалла иши яқка одамнинг зиммасига тушадиган юк эмас. “Бирдамлик бор жойда барака бор”, деганларидек, биз, маҳалла фаоллари бир-биримизни қўллаб, ҳар

бир масалани маслаҳат билан ҳал қилишга интиляпмиз. Шунинг учун профилактик тушунтиришлардан тортиб, хонадонма-хонадон юриш орқали олиб борилаётган учрашуларимиз ҳам ўз самарасини беряпти.

Хонадонга кирсақ, авваламбор, оиланинг муҳитини, кайфиятини, муҳтожлик ёки қийинчиликларини сўраймиз. Қандай муаммо бўлса, бир-



Катта ёшлиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаяпмиз. Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим билан бирга уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича изчил иш олиб бориляпти.

галикда ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Юзларида хавотир бор оиланинг дардини енгиллаштириш, бу — ҳам хизмат, ҳам савоб.

Шу каби ҳаракатлар сабаб, бугун маҳалламизда

жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар деярли кузатилмайди. Илгари айрим ҳолатлар учрар эди, айниқса, ёшлар орасида. Ёшлик — ғўрлик даври, баъзан адашишлар бўлиши табиий. Мисол учун, бир ёш йигит те-

лефон ва пул ўғирлаган эди. Биз уни қаттиқ жазолашни эмас, балки нега бундай йўлга кириб қолганини ўргандик. Маълум бўлдик, уйда етишмовчилик бор экан, ўзи эса шошма-шошар, тўғри йўлни

танлашга тажрибаси етишмаган. Уни спорт тўғрақарлига йўналтирдик, суҳбатлашдик. Бугун ўша бола хатосини англаб, ўз йўлини топиб кетди. Шунинг кўриб, “бир оғиз яхши гап ҳам одамнинг тақдирини ўзгартирар экан”, деган фикрга яна ишондим.

Ушбу ҳолатдан сўнг ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Уларнинг бўш вақти беҳуда ўтмаслиги, ишсиз қолмасликларини учун мактаб ўқувчиларидан тортиб, катта ёшларга турли фаолиятларга жалб қилаймиз. Профилактика инспектори эса бу борада доимий назоратни ўрнатган.

Яқинда 10 нафар опа-сингилларимизга тикув машиналари берилиб, улар иш билан таъминланди. Шундай қилиб, ҳар бир хонадоннинг ишлари юришиб кетишига амалда кўмак беряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламизда ҳар бир инсон эътиборда. Ким қандай муаммо билан келса, эшигимиз очик. Чунки маҳалла, бу — бинодан кўра кўпроқ, бир-бирини қўллаб-қувватлаган инсонлар жамоасидир.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



2026 йил 1 январдан кўчмас мулк объектлари ва қурилиш маҳсулотлари бўйича солиқ базаси уларнинг БОЗОР БАҲОСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ АНИҚЛАНДИ.



ЧИҚИНДИ ХИЗМАТИДАН ҚАРЗДОР 205 МИНГГА ЯҚИН АБОНЕНТИНИНГ ЭЛЕКТР ТЎЛОВИГА ЧЕКЛОВ ўрнатилди.



Тошкентда “Ўзбекистон”, “Машиназорлар”, “Фафур Ғулом” ва “Миллий боғ” бекатларида аввал ёпиқ бўлган МЕТРО ВЕСТИБЮЛЛАРИ ҚАЙТА ОЧИЛДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ОЛМАЗОР ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТОЗАЛИК, ОЗОДАЛИК ТАШАББУСЛАРИ МАҲАЛЛАГА ЧИРОЙ, ҚАЛЪЛАРГА ИШОНЧ УЛАШЯПТИ

ИЛМЛИ ИНСОН ДАРОМАДЛИ БЎЛАДИ, ДАРОМАДЛИ ИНСОН КАМБАҒАЛ БЎЛМАЙДИ

Нодира Аҳмаджонованинг яшаш хонадонига кирганимизда оилада икки нафар ишсиз борлиги аниқланди. Фарзанди беморлиги учун аёл унинг парвариши билан банд экан...

Соҳибжон МИРЗАЕВ, Олмазор туманидаги Чустий номидаги маҳалла раиси.

Аввало, хонадон “Камбағал оилалар реестри”га киритилди. Бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, ногиронлик белгиланди, нафақа тайинланди. Ўзи ва қизи бепул ҳунарга ўрганиб, уй шароитида ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаб, сотишни йўлга қўйди. Турмуш ўртоғи Даврон Аҳмаджонов ишга жойлашди. Натижада оила даромади ошди, эҳтиёжманд оила камбағалликдан чиқарилди.

“Маҳалла еттичилиги” фаолияти йўлга қўйилгач, аҳоли ва раҳбарлар ўртасидаги мулоқот энгиллашди. Уйма-уй ўрганиш олиб борганимизда, ҳамон эскича фикр билан яшаётганлар борлигини кўрдик. Айрим эҳтиёжманд оила бошиқларидан ҳол сўрасак, “қунимиз ўтиб турибди-ку”, деган мазмундаги жавоб ҳам эшитдик. Биринчи навбатда, шу каби инсонларнинг дунёқарашини ўзгартирдик. Ёшларни илм олишга тарғиб этдик. Чунки илмли инсон даромадли бўлади, даромадли инсон эса камбағал бўлмайди.



Худудда 30 та кўп қаватли уй жойлашган бўлиб, асосий “драйвер” — хизмат кўрсатиш. Бугун маҳаллага ким келса ҳам, файзу тароватдан, озодалиқдан баҳри дили очилади. Ҳамжихатликда қилинган ишлар натижасида “Намунали маҳалла” дея эътироф этилганмиз. Энг кўркам маскан сифатида атрофдагилар ҳавасини келтиряпмиз.

Жорий йил маҳалланинг кириш йўлига янги бетон устунлар ва тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Бир неча йиллардан бери қаровсиз ҳолда ётган 7 та кўп қаватли уйнинг том қисми “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали таъмирланди. Маҳалла худудига 2 500 тадан зиёд гул ва кўчатлар экилди. Саховатпеша инсонлар ва тadbиркорлар кўмагида кам таъминланган оилаларга, кексаларга ёрдам кўрсатиш аниқлана бошлаган.

Бир сўз билан айтганда, худудимиз обод ва кўркам масканга айланиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб бормоқда.

ИБРАТ

Ихчам тўйлар маҳаллада дув-дув гап бўляпти. Гап шундаки, “Пахта” маҳалласида истикомат қилувчи Жавлон Ҳамидов ўғлининг никоҳ тўйини ихчамгина — яқин қариндошлар, кўни-кўшни иштирокида ўтказди. Тўйда ортиқча дабдаба, исрофгарчиликка йўл қўйилмади. Орзу-ҳавасга учмади. Ўзига тўқ одамнинг камтарона тўйи маҳаллада дув-дув гап бўлди...



Шавкат МИРЗААХМЕДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Олмазор тумани бўлими бошлиғи.

Бугун тумандаги барча маҳаллаларда “Маромийлик” дастури асосида ортиқча исрофгарчиликка чек қўйишга доир тарғиботлар натижасида юқоридаги каби ибратли тўйлар сони ортиб бормоқда. Президент ташаббуси билан қабул қилинган ушбу дастур асосида ҳар бир маҳаллада меъёрни сақлаш, дабдабадан тийилиш, шукроналик ва бағрикенглик фазилатларини тарғиб этиш бўйича очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Сўнгги 4-5 йилда туман инфратузилмаси тубдан яхшиланди. Муаммоларга ечим топилгани, ўзгаришлар одамларнинг кайфиятига ҳам ижобий таъсир қилди. Бугун мавжуд 64 та маҳалла инфратузилмаси ривожлантирилиб, худудлар ободонлаштирилди. Маҳаллаларда бошланган ободлик йиллар мобайнида аҳолини ўйлантириб келган куз-қиш мавсуми билан боғлиқ ҳадик ва ҳавотирларга барҳам берди.

Бунинг учун 50 минг квадрат метрга яқин ички йўллар таъмирланди, 8 минг квадрат метр пидедалар йўлакчаларига бетон қопламаси ётқизилди, 68 та болалар, 48 та воркаут майдончалари ва 9 та кичик футбол стадионлари барпо қилинди. Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида йиғилар худудига 150 та айвонча, 720 та ўриндик ва 420 та тунги ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Мисол учун, яқин-яқингача “Хислат” маҳалласининг кўпқаб кўчалари таъмир нелигини билмай келарди. Бугун бир вақтлар аҳоли учун ноқулай бўлган худуд таниб ўтилмас даражада ўзгарди. Жумладан, дам олиш учун айвонлар

барпо этилди. Болажонларга замонавий ўйин майдончалари қурилди. Яшил худудлар кенгайтирилиб, сугориш тизими янгиланди. Йўлаклар таъмирланиб, қулай ва ҳавфсиз ҳолга келтирилди.

Ўзгаришларнинг натижасини бугун ҳар бир маҳалла аҳолиси ўз кўзи билан кўриб, миннатдорлик билдираётгани қувонarli. Масалан, “Университет” маҳалласида ободлик ишлари бошланган дастлабки вақтдаги аҳоли ишончсизлиги бугун мамнуният ва фахр туйғусига айланган. Кўп қаватли уйларнинг томи янгиланди, кўчалар асфальтланди. Бир сўз билан айтганда, кўрган кўзни қувонтирадиган маскан қад ростлади.

Бу каби таърифларни Исломота номидаги маҳаллага нисбатан ҳам ишлатсақ бўлади. Яқингача пойтахтимиздаги энг қаровсиз йиғин, энди ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда. Қарийб икки гектар ташландиқ худудда дам олиш хиёбони ташкил этилди. Энг муҳими, замонавий маҳалла гузари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Худди шундай, “Гулсарой” маҳалласи худудидagi кўп қаватли уйлар капитал таъмирланди. Ички йўллар асфальтланди.

Тажриба тариқасида ишга туширилган “Тоза пойтахт” дастури илк бор бизнинг туманда синовдан ўтди. Лойиҳанинг асосий мақсади — чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш жараёни назорат қилиш орқали тозаликни таъминлаш, хизмат сифатини ошириш. Янги тизим орқали маҳалланинг ички кўчаларида техникалар ҳаракатини кузатиш, чиқинди ҳажмини ҳисоблаш, юридик ташкилотларга курсатилмаётган хизмат сифатини баҳолаш, марказий ва ички кўчалардаги санитария ҳолатини мониторинг қилиш имконияти яратилди.

Умуман олганда, барча йиғиларда ободонлаштириш ва тозалаш тадбирлари доимийлик касб этган. Ушбу эзгу ташаббуслар доирасида кўп қаватли уйлар атрофи, жамоат жойлари ҳамда маҳалла худудлари тартибга келтирилди. Шу билан бирга, “#ТозаХудуд” челленжи доирасида аҳоли фаоллиги янада ошиб, дароҳат ва гул кўчатлари экилмоқда, яшил майдонлар кенгайтирилмоқда.

ТАЖРИБА

Ҳар бир амалимизга ҳалимлик ҳислати ҳамоҳанг

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос аниёна ва имкониятлари бор. Шу маънода йиғинимиз Тошкентнинг тарихий қисмида, Чорсу бозори ёнида жойлашгани боис кунига юзлаб маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар ташриф буюради. Худуд туризм хизматларига ихтисослаштирилди. Кўча ва уйларида пойтахтнинг қадимий қўринишини сақлаб қолган ҳолда қўшимча шароит яратилди.



Саноат ЯҲЎЕВА, Олмазор туманидаги “Ҳасти имом” маҳалласи раиси.

Кейинги йилларда муҳим ижтимоий, маънавий ва маърифий иншоотлар қад ростлади. Бу ерда маҳобатли Исломота цивилизацияси маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, бир неча тарихий обидалар, Абдулла Қодирий ижод мактаби, Турон ахборот-кутубхонаси, 8 та меҳмонхона ҳамда 6 та хостел ишлаб турибди.

Зарқайнар кўчасида “Сайёҳлик маркази” барпо этилиши билан аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланди. Барча коммуникация тармоқлари ер остидан ўтказилди. Миллий қаштачилик ва хунармандчилик устaxonалари, нововидона, миллий ошxonалар, заргарлик дўконлари ташкил қилинди.

Янги қурилган миллий савдо мажмуалари, хунармандчилик марказлари меҳнат бозорида қўшимча имкониятлар яратиши натижасида маҳалла ишсизликдан холи худудга айланган. “Хавфсиз худуд” тизими жорий этилди. “Еттилик” ташаббуси — “Ayol BY” лойиҳаси асосида уйда ўтирган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Улар тadbиркорлик йўналишидаги ўқув курсларига йўналтирилади. Натижада “Аёллар дафтари”даги 79 нафар хотин-қиз ҳамда 12 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Масалан, Хуршида Пўлатова шу лойиҳа асосида ўқиб, тadbиркорга айланган.

Маҳаллада ободлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нурунийлар, фаоллар кўча бўйлари ва ховлиларда гулу райхонлар экиш, дароҳат ўстириш, ишқомлар қилиш, озодалиқ ишларига бош-қош.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — доимий эътиборимизда. Утган йили “сарик” тоифага киритилган эдик. Эндиликда асосий вазифа — жиноят содир бўлишига олиб келувчи омилларни бартараф этиш ҳамда тинчлик, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш орқали “яшил” тоифадаги худудга айланиш.

Маҳалла шундай масканки, аксарият одамлар бу ерга муаммосига ечим излаб, нажот ила келади. Барча хонадон эгаларининг исм-шарифига-ча биламиз. Бу — ҳар бир муаммо ва мурожаатни ўз вақтида ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

“Mahalla” давр билан ҳамоҳанг нашр



Қаҳрамон ЗАҒАРОВ, Олмазор туманидаги “Хончорбоғ” маҳалласи раиси:

— Матбуотга қизиқиш болаликдан шаклланган. Ўша даврларда ҳар бир хонадонга камида 3-4 турдаги газета, журнал кириб борарди. Шу боис босма нашрларни мунтазам ўқиб бориш имкониятига эга бўлганмиз. Уларнинг мутлоаси дунёқарашимизни ўзгартирибгина қолмай, ёзма саводхонлик юксалиши ҳамда нотиклик санъати ошишига ёрдам берди.

Маҳаллада газеталар бурчаги ташкил этиб, мутлоа муҳитини шакллантирганмиз. Бу ердан кўп турдаги газета ва журналлар ўрин олган. Уларнинг орасида шубҳасиз, “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали алоҳида аҳамиятлидир. Чунки тизим фаолиятини ёритишга ихтисослашган ҳар икки нашрдан ўзим учун керакли маълумотларни олиб, соҳа янгиликларидан хабардор бўламан. Агар уларни мунтазам ўқиб бормасам, ўзимни даврдан, жамиятдан, ҳамкасбларимдан орта қолиб кетаётгандек ҳис этаман. Шу боис ушбу нашрларга биринчилар қаторида обуна бўлдим.



Ўзбекистондаги ГАЗ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИ фаолиятига вақтинча чеклов киритилади. Режа-жадвал маҳаллий ҳокимликлар билан келишилади.



Ўзбекистонда биринчи марта етти ойлик чақалоққа ЖИГАР КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИШ АМАЛИЁТИ бажарилди.



ЮНЕСКО ҚОРАҚАЛПОҚ ЎТОВЛАРИ тайёрлашнинг аънавий билим ва кўникмаларини Номоддий маданий мероснинг репрезентатив рўйхатига киритди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНЛИКЎЛ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Эзгу амалларга элтадиган халқчил ташаббуслар бор

ҲОЛАТ

“ОҒИР” ОВУЛ ОҒРИҚЛАРИ ОРТДА ҚОЛДИ

Маҳалла тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижалари олис овулларда ҳам бўй кўрсатяпти. Масалан, Алтинкўл овули “оғир” тоифадаги маҳаллалар рўйхатига киритилиб, унинг инфратузилмасини яхшилаш учун уч миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Саламат НАҒМЕТОВ, Қонликўл туманидаги Алтинкўл овул фуқаролар йиғини раиси, “Маҳалла ифтихори” кўрак нишони соҳиби.

Шунингдек, маҳалла еттилик раиси Шохсан ўзим “маҳалла еттилиги”га бош бўлиб, оғиз бирчиликда аҳоли муаммоларини ҳал этиб, уларни даромад манбаига эга бўлишларига кўмаклашяпмиз. Фуқаролар ҳам тадбиркорларга яратилаётган имконият ва имтиёздан унумли фойдаланиб, янги бизнесини бошлаяпти. Биргина Мақсуд Жеймуродов ўтган йили 5 гектар ер майдонда ховузлар ташкил этиб, балиқчилик йўналишини йўлга қўйди. Яна бир фуқаромиз Мақсудга ҳавас қилиб, балиқ боқишни бошлади. Яқин ойларида илк балиқлар сотувга чиқарилиб, даромад олинади. Бизнесинг овулда ҳам балиқхоналар ташкил этилиб, аҳоли ҳам ушбу маҳсулотдан тановул қилишни бошлайди.

Тўрт йилдан бундан маҳалла раиси бўлиб ишлайман. 2025 йил Қорақалпоғистон Республикасида “Ватан фидойиси” кўрак белгиси билан тақдирландим. 2024 йил туманда “Энг фаол маҳалла раиси” ҳамда “Йил фидойиси” ғолиби бўлдим.

Айни пайтда иккита овулда битта давлат, битта хусусий боғча бўлиб, улар 60 фоиз болани қамраб олган. Йиғин марказидан етти километр олинсадаги Хўжа овулда эса боғча йўқ. Шу боис Зинахон Камолова ўз хонадонинда боғча ташкил этиш учун керакли барча хат-ҳужжатларни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этган, бироқ фаолият юритиши учун лицензия олиш муаммо бўляпти. Агар ушбу масала ҳал этилса, овулдаги 90 та оиланинг фарзандлари ҳам боғчага борар эди. Уйлаймизки, тегишли тақдиротлар ушбу масалада ёрдам беришади.



Худудда тўққизта овул бўлиб, улар “А-380” йўналишли – “Бухоро-Нукус-Бейнеу” халқаро автомобиль йўли бўйида жойлашган. Хонадонлар анча тарқок, биргина Ўлдарё овулида туман марказига 35 километр олинса яшайдиган фуқаролар бор. Улар олдинлари оддий коммунал, солиқ тўловлари ёки кредит ва нафақа пулларини олиш учун шунча масофа босиб, туман марказига қатнард. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, бундай масалалар овулнинг ўзида ҳал этиляпти.

ҲОЛАТ

БОҚИМАНДАЛИК ЎРНИНИ ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ ЭГАЛЛАДИ

Гулистон ЮСУПОВА, Қонликўл туманидаги Жана қалъа овул фуқаролар йиғини раиси.

Маҳаллабай, “хонадонбай” ишлаш натижасида аҳоли ўртасида боқимандалик кайфияти йўқолиб, даромад топувчилар сони ортиди. Бугун овул фуқаролари бор имкониятдан фойдаланиб, деҳқончилик ва чорвачилик ортидан оила тебратяпти. Шахсий томорқа ерларида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб, рўзгорини таъминлаётган бўлса, кўшимча томорқаларига буғдой, шоли, мош экиб, даромад оляпти. Яна 1-2 та соғин сигир, 20-40 та қўй-эчки боқиб, зарур харажатларини қоплаяпти.

Бугун фуқаролар анча фаол. Унча-мунча ишларни ўзлари бош бўлиб, хашар йўли орқали ҳал этишяпти. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлиб, 10 километр газ қувири тортиди. Натижада газ таъминоти яхшиланди. Ўтган йили ушбу лойиҳа доирасида 7-умумтаълим мактабига мини футбол ва универсал спорт майдони қурдик. Хонадонларга вақти-соати билан ичимлик сув бериляпти. Яқинда “Бухоро-Нукус-Бейнеу” халқаро автомобиль йўлидан Айтбай овулига боровчи 1,5 километр ички йўл асфальтланди.



Овулда пахта-ғалла, полиз ва сабзавот, чорвачиликка ихтисослашган саксондан ортиқ фермер хўжалиги бўлиб, уларда ҳам юзлаб аҳоли иш билан банд.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” бизни ташаббусга ундайди



Бахит ҚАЙИПНАЗАРОВ, Қонликўл туманидаги Наврўз овул фуқаролар йиғини раиси:

– Бугун маҳалла халқ ишончига айланди. Юздан ортиқ хизматлар маҳалла даражасига туширилиб, фуқароларнинг узоғи яқин, оғир енгил бўлди. Кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдамлар ҳам “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида ажратилляпти. Натижада ишсизлик ва камбағаллик даражаси камайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Кўчаларни, бизнинг маҳаллада барча ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этиляпти. Шу кунгача 10 та кўп қаватли тураржой барпо этилди. Яна 35 та ана шундай замонавий уй-жойлар бунёд этиляпти.

Худуд қиёфасини замонавий кўринишга келтиришда фуқаролар қараб тургани йўқ. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали 2,2 километр кўчаларни асфальтладик, мини футбол ва воркаут майдони қурдик. Бизда ичимлик сув, газ ва электр энергия таъминотидан муаммо йўқ.

Наврўзликларнинг асосий даромади – деҳқончилик ва чорвачилик ортидан. 1 223 та хонадон эгаларининг деярли барчаси томорқа ерларида помидор, бодринг, бақлажон, сабзи каби полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиради. Ўттизга яқин деҳқон хўжалиги эгалари қовун, тарвуз, кунжут, мош, помидор экиб, даромад олишяпти. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари кўпайиб, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланяпти.

Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, “Mahalla” газетаси “маҳалла еттилиги”нинг иш тажрибаларини кўрсатадиган ўзига хос минбардир. Шу боис ушбу нашрга обуна бўлдим.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.





Талабаларга Янги йил муносабати билан маҳаллий авиа ва темирйўл қатновларига 50 ФОИЗЛИК ЧЕГИРМА эълон қилинди.



“ТОШКЕНТ — УРГАНЧ — ХИВА” йўналишида қатнайдиغان “Hyundai Rotem” тезюрар поездидан биринчиси Жанубий Кореядан Ўзбекистонга юборилди.



Ўзбекистонда КРЕДИТ РЕЙТИНГИ ЮҚОРИ ФЕРМЕРЛАРГА агрокредитлар ставкалари 1-2 фоизгача пасаитирилади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ УЗУН ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“АГРАР СОҲАДАН САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САРИ ОДИМЛАЯПМИЗ”

Худудларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва хусусий сектор фаоллигини кенгайтиришга қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Илгари аграр соҳага ихтисослашган туманлар бугун саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишида жадал ривожланмоқда. Узун тумани ҳам кейинги йилларда ана шундай фаол саноатлашув жараёнлари кечаётган манзиллардан бирига айланган.



Тожимурод КЎЧАРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Узун тумани бўлими бошлиғи.

Юртимиз бўйлаб кенг қўламда давом этаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси табиатга меҳр, экологик онг ва юрт равнақи йўлида бирдамлик тимсолига айланаётгани рост. Мазкур ташаббус ҳар бир худудни кўркемлаштириш, аҳолига янада тоза, соғлом экологик муҳит яратиш, энг асосийси, халқимизга хос эзгу қадриятларни улуғлашга хизмат қилаётгани билан эътиборга молик.

Шу мақсадда кун кеча навбатдаги кўчат экиш тадбири юқори даражада ташкил этилди. Унда 550 нафарга яқин корхона ва ташкилот ходимлари, нурунийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Биргаликда 5 минг донна мевали ва манзарали кўчатлар экилиб, худуднинг экологик ҳолатини яхшилаш йўлида навбатдаги муҳим қадам ташланди. “Яшил макон” ташаббуси барчани ягона эзгу мақсад — юртимизни янада яшил, янада гўзал қилиш йўлида бирлаштириб, келажак авлодга муносиб экологик мерос қолдиришга чорлаётгани айтиш ҳақиқат.

Тумандаги “кумуш” тола ижодкорлари бир неча кунлардан буён йилнинг биринчи маҳсулоти — пилла хомашёсини йиғиб-теришга киришди. Жорий кишлоқ хўжалиги мавсумида Узунлик пиллакорлар тарқатилган 1 минг 688 қути ипак қуртидан давлатга 101 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб беришни режалаштирган.

Айни вақтда барча йўналишларда олиб борилаётган кенг қўламда иш-лохотлар секин-аста ўз самарасини кўрсатмоқда. Буни аҳолининг яшаш шароити ўзгараётгани, тадбиркорлар сафи кенгаётгани ҳамда маҳалла инфратузилмаси яхшиланаётганида яққол кўриш мумкин.

МАНЗАРА

ЮТУҚЛАРИМИЗ — ШУКРОНАЛИКДАН, ҲАР НЕЪМАТ ҚАДРИНИ АНГЛАГАНЛИКДАН

90-йилларни яхши хотирлайман. Гарчи мактабда ўқитувчилик қилсам-да, бўш вақтларимда маҳалла юмушларига кўмаклашиб юрардим. Ўша даврларда халқ анча қийналиб кун кечирарди. Нон харид қилиш учун соатлаб навбат қутишлар, киши бошига ҳисоблаб ёғ беришлар кўпчилиكنинг ёдидадир. Одамлар фақат қорин тўйдириш дарди билан яшарди.

Сайёра ЗИЁЕВА, Узун туманидаги “Эркинлик” маҳалласи раиси.

Мана, орадан қисқа фурсат ўтиб, ҳаммаси бутунлай ўзгарди. Энди юртимизда тўкин-сочинлик ҳукмрон. Яхши яшаш, илм олиш, тадбиркорлик қилиш, ўзбекининг номини бутун дунёга танитиш учун барча шароитлар муҳайё. Биздан талаб этилаётгани фақат ҳаракат.

Аҳоли орасида юрганымда, бу гапларни такрорладан чарчамайман. Ўтаётган ҳар кунимизга шукрона келтириш кераклигини улارга таъкидлар эканман, ўзим ҳам бу туйғуни ич-ичимдан ҳис қиламан. Тўкин-сочин бозорларни айланиш, тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган миллий маҳсулотларни харид қилиш асносида ютуқларимиздан ғурурланаман.



Айни вақтда маҳалламизда истикомат қилаётган 3 100 нафар аҳоли вакиллари ўзи ва халқимизнинг шароитини яхшилаш мақсадида тинимсиз ҳаракат қиялпти. Уларнинг ёрдами билан исҳисзлик, жиноятчилик ҳамда ажрашиллардан холи худудга айландик. Фуқаролар хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш йўналишларида янгидан-янги тармоқларни ташкил этилди. Туман марказида жойлашганимиз боис маҳсулотларни сотиш ва муваффақият қозониш анча осон кечаяпти.

Сангиной Икромова йилдан-йилга фаолиятини кенгайтириб келаётган тадбиркорларимиздан. Асосий йўналиши нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш бўлган бу аёл кўшимча равишда кийим-кечак ҳамда ўкув куроллари дўкони ҳам ташкил этган. Нафақа ёшидаги Сангиной олага фарзандлари доимий кўмакчи. Бундан ташқари, 20 нафар кишининг бандлигини таъминлаган.

Бундай ишбилармон кишилар шарофати билан камбағал ва эҳтиёжман оила даромадини қўллаб-қувватляпмиз. Керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериляпти. Уй-жойини таъмирлашда хомийлик ёрдами кўрсатилляпти.

Жорий йилда маҳалламиздаги 15 та хонадонни “Камбағал оилалар реестри”га киритган эдик. Шу даврга қадар уларнинг барчасини тўлиқ рўйхатдан чиқаришга эридик. Хусусан, ногиронлиги бўлган турмуш ўртоғини парваришлаётган аёлнинг шароитини яхшилаш мақсадида аввалига битта, кейинчалик яна иккита тикув машинаси олиб бердик. Натижада оила даромади ортиб, аввалгидан анча яхши турмуш кечиришни бошлади.

Охириги уч йилдан буён маҳалламизнинг Туркистон кўчасидаги 84 та хонадонда узумчилик ривожлантириляпти. Томорқа ҳамда йўл бўйларига “Хусайни” ва “Келин бармоқ” навли тоқлар экилган. Улар келгуси йилдан нишона кўрсатишни бошляди.

Бундай дейишга етарлича асосларимиз бор. “Jasur bilding” масъулияти чекланган жамияти тош майдалаш ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳани 2026 йилда ишга туширишни режалаштирган. Унга кўра, 30 та иш ўрни яратиш ҳамда йилга 3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Лойиҳани экологик талаблар ва хомашё имкониятларидан келиб чиқиб такомиллаштириш юзасидан керакли тавсиялар берилляпти. Масъулларга корхонани ишга туширишда тадбиркорларга амалий кўмак кўрсатиш топширилган.

“Файзова” маҳалласидаги аукцион савдосига қўйилган бўш ер майдонида коттеж типидagi уй-жойлар, боғча, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш режалаштирилган. Лойиҳани амалга ошириш натижасида аҳолини турар жой билан таъминлаш ва 85 та янги иш ўрни яратиш назарда тутилган.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” га мурожаат қилишдан эринмаймиз



Хусниддин ҚОРАЕВ, Узун туманидаги “Чинор” маҳалласи раиси:

— Маҳалла раиси шунчаки лавозим эмас. Агар чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, у ўзида халқ ишончини ифодалашини кўриш мумкин. Қанчадан-қанча ёрдамга муҳтож кишиларнинг муаммоларига ечим топиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш, исҳисзларнинг даромад топишига кўмаклашиш орқали бу масъулиятни оқласа бўлади. Мазкур масалаларни санаб ўтиш осондир балки, лекин адо этиш анча куч ва маҳорат талаб қилади.

Шу маънода биз “еттилик” ходимлари билан доимий изланишдамыз. Янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини синчиклаб ўрганимиз. Уларнинг моҳиятини фуқароларга содда ва батафсил тарзда тушунтириб беришга ҳаракат қиялпимиз. Бу йўлда “Mahalla” газетасига қайта ва қайта мурожаат қилишдан эринмаймиз. У биз учун тенгсиз маълумотлар манбаъга айланган. Шунинг учун ҳам нашрнинг доимий обуначисига айланганмиз.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

ТАЖРИБА

Маҳаллада иш бошлаганимга эндигина икки ой бўлди. Одамлар мени шу лавозимга муносиб кўрганини билдирилган катта ишонч, деб қабул қилади. Жонни фидо қилиб меҳнат қилиш, аҳоли вакиллари билан ҳамнафас яшаш асосий мақсад.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛМОҚЛИКДА ҲИКМАТ КАТТА

Алихон ЭШҚОБИЛОВ, Узун туманидаги “Кичик жончекка” маҳалласи раиси.

“Кичик жончекка” — ўзим тўғилиб, ўсган замин бўлгани учун одамлари билан жуда ақинимиз. Уларнинг истаклари, уй-халларини яхши биламан. Шу боис ишга киришиб кетиш унчалик қийин кечмади. Ҳозир 3 797 нафар аҳолининг тўқин ва фаровон ҳаёт кечириши учун керакли барча хизматлар кўрсатилляпти.

Бундан бир неча йил аввал худудимиз деҳқончиликка ихтисослашган эди. Тадбиркорлик ҳамда ишлаб чиқариш йўналишларини ривожлантириш орқали энди хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланилди. Биргина жорий йилнинг ўзида 300 нафар фуқарога бизнес бошлаши ҳамда фаолиятини кенгайтириши учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Муҳтож ва эҳтиёжман оила вакилларига субсидия ва ссудалар берилди.

Абдуғани Қорабоев бундан етти-саккиз йил аввал кичик савдо шохчасини очишдан иш бошлаган эди. Ҳозир бундай дўконларнинг сонини 12 тага етказган. Айримларида ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш моллари сотаётган бўлса, баъзиларини фуқароларга ижарага берган. Бундан ташқари, тадбиркор тикувчилик цехини ҳам ташкил этган. У ерда 15 нафар хотин-қиз доимий ишлаб, даромад топиб келяпти. Умумий ҳисобда эса 40 нафардан кўпроқ кишининг бандлигини таъминлаган.



Худудимизда шу каби йирик тадбиркорларимиз 4 нафар бўлиб, улар янги иш бошлаётганларга доимий йўл-йўриқ кўрсатиб келяпти. Ташкил этилаётган учрашув ва жонли мулоқотлар давомида керакли тавсиялар бериляпти. “Еттилик” вакиллари эса уларнинг давлат тақдим этаётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишида дастак бўляпмиз.

Маҳалламиз гарчи туманнинг чекка қисмида жойлашган бўлишига қарамай, 10 та маҳаллани бирлаштирадиган катта бозоримиз мавжуд. Шу боис худудимизга келиб-кетувчилар жуда кўп. Ривожланиш ҳамда ободонлаштириш ҳам айни авж паллада. Яқинда барпо этилган гастрономик кўчамиз гавжум масканга айланган.

Келгусида мазкур бунёдкорлик тадбирларини янада юқори суратларда давом эттирамиз. Шу орқали маҳалламиз, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшамиз.

ФИФА Ўзбекистон терма жамоасининг **ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАГИ ҲАҚОН** ўйинлари учун 140-265 доллар қийматдаги чипталар сотувини йўлга қўйди.

HOUSTON STADIUM

- Category 1
- Category 2
- Category 3
- Category 4
- Supporters Premier Tier
- Supporters Standard Tier
- Supporters Value Tier
- Accessible Seating Area



ЁШЛАР ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА пара сузиш бўйича ҳамюртларимиз илк кундаёқ 3 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритди.

БААда бокс бўйича ИВА жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг 6 нафар аъзоси **ФИНАЛ БОҒИЧИГА ЙЎЛЛАНМА** олди.



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!

Юрсангиз кўп пиёда, соғлиқ бўлар зиёда

Сўнги йилларда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шугулланиш оммалашди. Бу жараёнда, аввало, ҳар бир ҳудудда спорт билан шугулланиш учун зарур шароит яратилгани муҳим роль ўйнади.



Кўп қаватли уйлар атрофида “Саломатлик йўлаклари”, спорт майдончалари қурилгани ёшу кексани спортга янада яқинлаштирди. Шунингдек, тўғри овқатланиш борасида аниқ чоратadbирлар қўрилгани пировардида, халқимизнинг ўз саломатлигига бўлган қарашини тубдан ўзгартирди. Қувонарлиси, бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, оилавий спорт сайрига чиққан, фарзандларини, набираларини етаклаб спорт тўғаракларига қатнаётган кишиларга кўзимиз тушади.

Баҳром ПАРДАЕВ, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра мудири.

таянч-ҳаракат тизими, асаб касалликларида яхши самара беради.

Скандинавча ёки шимолча юриш ҳам оммавийлиги билан ажралиб туради. Оддий юришда юк фақат оёққа туша, шимолча юришда юқори гуруҳ мушаклар – кўлнинг елка белбоғига, орқа елка, қорин мушкуллари ишлайди. Умуртқа дам олади. Бу айниқса, семиз кишиларга, остеохондроз билан азобланаётганларга жуда фойдали. Айниқса, артрозни даволаш ҳамда ортиқча вазндан қутулишга ёрдам беради.

Гувоҳ бўлганингиздек, оддий юришнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда улкан ҳиссаси бор. Шу сабабли бу спорт турини янада оммалаштириш учун маҳалла ходимлари ўзи ўрнак ва намуна бўлиши тавсия этилади. Ҳар кун киши пайт юриш тадбирлари ўтказиш, унда ташаббускор бўлиш муҳим. Жараёнда аҳолини маҳалла худудидидаги мавжуд спорт инфратузилмаси ва умумтаълим мактаблари спорт иншоотларида жамоавий спорт турлари билан шугулланишга жалб қилиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла раиси ёши катта авлоднинг ёшларга намуна бўлишини таъминлаб, жамиятда спорт ва соғлом турмуш тарзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга эришиши керак.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

СПОРТ

СОҒЛОМ УЙҚУ ТАНГА СИҲАТ, РУҲГА ҚУВВАТ БЎЛАДИ

СОҒЛИК



Айрим инсонлар уйқудан уйғониб, яна чарқоч ҳис этади. Ёки ярим тунда тўсатдан уйқуси бузилиб, тонггача кўзи илинмайди. Кўпчилик бу ҳолга етарли даражада эътибор бермайди. Натижада уйқусизлик сурункали шаклга ўтади. Ҳўш, уйқусизлик ҳам касалликми?

Ёмон уйқу бир қатор муаммоларга олиб келиши мумкин. Жумладан, иммунитет пасайиб, руҳият билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Шу сабабли ҳар бир инсон қулай уйқу муҳитини яратиб олиши керак.

Феруза ТОҲИРОВА, Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бошқарма бошлиғи.

сақлашнинг асосий шартидир. У танани тиклаш, иммунитетни мустаҳкамлаш, диққатни жамлаш ва кайфиятни яхшилашга ёрдам беради. Уйқу пайтида муҳим жараёнлар содир бўлади. Тўқима ва ҳужайралар тикланади, иммунитет тизими мустаҳкамланади, иштаҳа ва стрессга таъсир қилувчи гормонлар тартибга солинади. Уйқусизликнинг олдини олиш —

ухлашни осонлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Жумладан, экран нури уйқу гормони бўлган мелатонин ишлаб чиқарилишини камайтиради. Шу боис ётишдан 1-2 соат олдин электрон қурилмалардан фойдаланишни чекланг. Бунинг ўрнига, вақтни китоб ўқиш, медитация ёки бошқа дам олиш машғулотларига сарфланг. Мунтазам

жисмоний машқлар билан шугулланишга одатланинг. Кунига камидан 30 дақиқа машқ қилинг. Ётоқxonани тоза ҳаво билан таъминланг, ётишдан бир соат олдин тоза ҳавода сайр қилинг, кечкурун куюк овқатни таомномангиздан чиқариб ташланг, шунингдек, тушдан кейин кофе ва чой ичишни камайтиринг. Ётишдан олдин душ ёки илқ ванна қабул қилинг, тинчлантирувчи мусиқа тингланг. Бундан ташқари, шифокорлар ортиқча зўриқшдан қочиш ва ҳар кун яхши дам олишни маслаҳат беришади. Мунтазам равишда оз-оздан жисмоний машқлар қилиш керак.

Сифатли уйқу — соғлом ҳаёт пойдевори. Шундай экан, аҳоли ўртасида мавзу юзасидан кенг тушунтириш, тарғибот тадбирларини олиб бориш талаб этилади. Маҳаллалардаги “Саломатлик мактаби”да ташкилланган ўқув-амалий машғулотларда бу ҳақида тўлиқ маълумот бериш, мутахассислар иштирокини таъминлаш лозим. Мисол учун, кечки пайта “Саломатлик йўлаклари”, “Workout” майдонларида оммавий юриш машқлари, оилавий сайрлар ташкил этиш мумкин. Бу каби тадбирлар нафақат аҳоли саломатлигини таъминлайди, балки ўзаро аҳиллик, жипслашиш имконини беради. Бу жараёнда оммавий кўринишга келиши учун ҳар бир маҳалла раиси “Шахсий намуна” тамойили асосида иш жойига велосипедда ёки пиёда келиши ва кетиши самарадорликни янада оширади.

Тиббиётда бу ҳолга касаллик белгиси сифатида қаралади. Чунки сифатли уйқу — жисмоний ва руҳий саломатликни

Салоҳиддин ТОЛМАСОВ, Олоғ тумани.

ҲИДОЯТ САРИ

— Ҳаж сафарига отланган кишининг ибодатдан қайтган ташкил этиладиган маросимлар учун маблағи етарли бўлмаса, токи маросимларга ҳам етadиган пул топгувчи муқаддас сафарни кечиктириб туриши жоизми?

ҲАЖ ЁКИ УМРАДАН ҚАЙТГАЧ, ЭҲСОН ДАСТУРХОНИ ЁЗИШ МАЖБУРИЙМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Аслида, динимизда бундай маросим йўқ. Ўта жоҳиллигимиз сабабли шу кунларга етиб келдик. Мусулмон одам қилиш-қилмаслиги ихтиёрий бўлган ишлар сабабидан фарз ёки вожибни кечиктириши асло тўғри эмас. Шунинг учун бундай ҳолатда ҳажга бориш фарз бўлади, бормаса гуноҳкор. Китобларда ҳаж амалининг фарз бўлиши учун киши йўлга қодир бўлишидан ташқари, фақат аҳли аёлига қайтиб келгунга қадар нафақасини ташлаб кетиши шарт қилинган. Ҳаж ёки умра ибодатига боришдан олдин ёки бориб келганидан сўнг шукрона тариқасида ёзиладиган эҳсон дастурхони эса қодир бўлганлар учун ихтиёрий. Агар бу ишлар кишиларни фарз ёки суннат ибодатларни бажаришдан тўсса ёки машаққатга солса, бундай оdatларни тарк қилиш вожиб ҳисобланади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Сиҳатнинг қимматини хасталикка чалинганлар, тинчликнинг қадрини урушни бошидан кечираётганлар, уйнинг қадрини ижарага турган, уйи йўқлар билади.

ЯҚИНДАГИ НАРСАГА КЎП ТЕРМУЛМАНГ!

Шу маънода кўриш ҳам катта неъмат ҳисобланади. Кўзларимизни асрашимиз лозим. Бунинг учун бир нечта зарарли оdatлардан воз кечиш тавсия қилинади.

Мутахассислар фикрига кўра, кўриш қобилиятини бузадиган асосий омиллардан бири — яқиндаги нарсага кўп термулиш. Бу кўз мушакларига босимнинг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун компьютерда ишлаганда ёки ўқиш пайтида ҳар соатда танеафус қилишингиз керак. Бунинг учун ўзингизни чалғитиб, 5-10 дақиқа узоқ масофага қаранг.

Кўришни ёмонлаштирадиган яна бир оdat — ёруғлик нотўғри тақсимланган шароитда ишлаш ҳисобланади. Жуда ёрқин ёки қоронғи муҳитда кўз мушакларига босим ортади. Бу спазмларни келтириб чиқаради.

Мана шу тавсияларга амал қилсангиз, узоқ йил кўзингиз равшан бўлади.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусаххих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.